

23-боб. Киши отасини исми билан чақирмайди, ундан аввал ўтирмайди ва унинг олдида юрмайди



08:45 / 26.01.2019 3655

44. Ҳишом ибн Урва отасидан ривоят қилади:

«Абу Ҳурайра икки кишини кўриб қолиб, улардан бирига:

«Бу кимнинг бўлади?» деди.

«Отам бўлади», деди у.

«Ундай бўлса, уни исмини айтиб чақирма, олдига тушиб юрма ва ундан олдин ўтирма», деди».

Шарҳ: Ота-онанинг ҳурмати ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсаларда ҳам зоҳир бўлар экан. Фарзанд отасига «Ота», деб ёки бошқа бир эҳтиром маъносидаги сўзларни айтиб мурожаат қилиши яхши экан. Лекин бошқаларнинг исмини айтгандек, отасининг исмини айтиб чақириш мусулмончилик одобига тўғри келмайди.

Шунингдек, йўлда юрганда ҳам отадан кейин юриш керак, олдинга ўтиш мумкин эмас. Ўтиришда ҳам аввал ота, кейин эса бола ўтириши лозим.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Катта ёшдаги ва олим кишилар пайтини топиб, ёшларга таълим беришлари, одобли бўлишга чорлаб туришлари кераклиги.
2. Муслмончилик одоби бўйича, фарзанд ота-онасининг исмини айтиб чақириши тўғри эмаслиги.
3. Муслмончилик одоби бўйича, фарзанд ота-онасининг олдига тушиб юриши тўғри эмаслиги.
4. Муслмончилик одоби бўйича, фарзанд ота-онасидан олдин ўтириши тўғри эмаслиги.

«Одоблар хазинаси» китобидан